Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 8 август, шанба. №70 (2845).

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МУҲИМ



**Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Таълим ва фан вазири Асхат Аймағамбетовни қабул қилди, дея хабар қилди Президентнинг матбуот хизмати.**

Асхат Аймағамбетов Қ. Тўқаевга вазирликнинг янги ўқув йилига тайёргарлик ва аввалги берилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот берди.

Президент янги ўқув йилини тўғри ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. У, айниқса, масофадан ўқитиш даврида кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш зарурлигига алоҳида тўхталди.

Президент Таълим ва фан вазирига ўқитувчиларнинг мақомини кўтариш юзасидан чора-тадбирларни давом эттиришни, уларни асосий ишларидан ташқари тадбирларга жалб қилмаслик ва иш ҳақини 2021 йил январь ойида режалаштирилган 25 фоизга оширишни буюрди.

Давлат раҳбари, шунингдек, университетларнинг академик мустақиллигини янада кенгайтириш, олий таълим сифатини ошириш ва олий таълимда фанни ривожлантириш борасида аниқ кўрсатмалар берди.

**Akorda.kz.**

## ПАНДЕМИЯ: КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

- Марказий Осиё мамлакатларида коронавирус инфекциясини юқтириш ҳолати кунига 2,085тага ортди ва касалланганлар сони 72,621тага етди.
- Ҳиндистонда вирус ҳолатлари бўйича яна кунлик янги рекорд қайд этилди: 20 903.
- Эронда коронавирус қурбонларининг рекорд кўрсаткичи қайд этилди. Мамлакатда фуқароларга ниқоб тақиш мажбурий этиб белгиланди.
- Жанубий Корея ҳукумати мамлакатда коронавируснинг шиддатли ва ўта юқумли янги штамми – GH тарқалганини маълум қилди.
- Пандемия туфайли деярли 4 ой ёпиқ бўлган дунёга машҳур Лувр музейи бугун қайта очилади. Ҳукумат янги хавфсизлик чоралари, шу жумладан мажбурий ниқоб тақиш ва ташриф буюрувчилар сонини чеклаш тадбирларини жорий қилди.

## COVID-19: ЕВРОПАДАГИ ВАЗИЯТ ЯНАДА МУРАККАБЛАШДИ

**Франция Соғликни сақлаш вазирлиги сўнгги 24 соат ичида мамлакатда «касалланганлар сонининг мисли кўрилмаган даражада кўпайгани»ни маълум қилди. Кун давомида вирус юқтирганлар сони 1700 кишини ташкил қилди, дея хабар беради Euronews.**

Барча курорт шаҳарларда ниқоб тақиш талаб этилади ва Париж мерияси шунга ўхшаш қарор қабул қилиш кераклиги айтилмоқда, чунки машҳур кварталлар ва Сена қирғоқлари аҳолиси ўртасида ижтимоий масофа сақланмаяпти.

Қўшни Испанияда ҳам худди шундай: икки ой олдин карантин бекор қилингандан бери касаллик юқтирганлар сони рекорд даражада кўпайди. Ўтган ҳафта Британия Испаниядан қайтганларга мажбурий карантин жорий этди.

Шотландиянинг Абердин шаҳрида яшовчиларга ҳам икки ҳафта давомида карантин эълон қилинди.

Германияда касалланганлар жами сони 214 мингдан ошди. Федерал ҳукумат аҳволи чатоқ бўлган мамлакатлардан келган барча саёҳатчиларни мажбуран текшириш тартибини жорий қилди.

**ҚозАхборот.**




# ЮРТИМИЗДА ЯНГИ БАЙРАМ – АБАЙ КУНИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

***Ҳукумат «Қозоғистон Республикаси байрамлари тўғрисида»ги қонунга қўшимча киритилишини тасдиқлади.***

***"Ҳукуматнинг 689-сонли "Байрам кунлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қуйидагича тўлдирилсин:***

***Қозоғистон Республикасидаги байрам кунлари рўйхати 22-1-банд билан қуйидаги мазмунда тўлдирилсин:***

***22-1. «10 август – Абай куни", – дейилади ҚР Бош вазири Асқар Мамин имзолаган ҳужжатда.***

***Қарор расмий равишда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.***

Абай Қўнанбаев атоқли олим, мутафаккир, шоир, маърифатпарвар, янги миллий адабиёт асосчиси, таржимон, бастакор сифатида мамлакат тарихида ўчмас из қолдирди. Унинг шеърларида ва сўзларида миллатнинг ўзига хослиги, турмуш тарзи, дунёқараши, феъл-атвори, руҳи, дини, менталитети, тили ва руҳияти акс эттирилган ва шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев "XXI асрда Абай ва Қозоғистон" мақоласида "миллатни Абай каби севишни ўрганишга" даъват этган эди.

«Ҳар бир замонавий давлат ўзининг бой тарихий шахслари билан фахрланади. Улар орасида сиёсатчилар, давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, санъат ва маданият арбоблари бўлиши мумкин. Қозоқ халқи орасида ҳам етук шахслар етарли, улар орасида Абайнинг ўрни алоҳида. Бироқ Қозоғистон ҳар доим ҳам буюк мутафаккирни дунёга танитишда етарли иш олиб боролмаган! Бу Қозоғистон Президентининг эътирофи.

Олим Абай — дунё даражасидаги қозоқ оламининг даҳоси. У бутун инсониятга дахлдор онг, ақл-идрок ва донолик билимлари уруғини экиб кетди. Маълумки, Мухтор Ауэзовнинг "Абай йўли" романидаги бадиий образ орқали Абай жаҳон адабиётида юксак баҳоланди. Бироқ бу Абайни танишнинг фақат бир жиҳати. Абайни билиш учун унинг назм ва насрларидаги ифода этилган ғоялар маъносини очиш зарур.

Шу сабабли Президент Тўқаев таъбири билан айтганда, Қозоғистон Абайни миллатнинг маданий капитали сифатида илгари сурмоқчи. Яъни Абайни жаҳон ҳамжамиятига янги Қозоғистоннинг бренди сифатида таништирмоқчи.

Давлат раҳбари ҳар бир оилани Абай китоблари ва М. Ауезовнинг "Абай йўли" романини уйи тўридан ўрин олишига даъват этиши бежиз эмас.

Яна бир муҳим лойиҳалардан бири – буюк шоир асарларининг ўнта тилга таржимаси ва чоп этилиши ҳисобланади. Хусусан, Абай асарлари инглиз, араб, япон, испан, итальян, хитой, немис, рус, турк ва француз тилларига таржима қилинади. Бир неча ҳужжатли фильмлар ҳамда шоирнинг ҳаёти, мероси, унинг қозоқ маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида "Абай" телесериали суратга олинади.

Санъат соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Республика, халқаро даражаларда театр ва мусиқа фестиваллари ўтказилади. Энди адабиёт ва санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун Давлат мукофотлари Абай номидаги Давлат мукофоти деб номланади.

Президент Қ. Тўқаевнинг таъкидлашича, бундай тадбирлардан кўзланган мақсад – жамоатчилик онгини янгилаш, ягона мамлакат, бир бутун миллат сифатида мамлакат ривожига туртки бериш. Абай мероси миллатларни жипслаштиришга ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

**«Жанубий Қозоғистон» мухбири.**

## МУҲТОЖЛАРГА – 5,4 МЛРД ТЕНГЕ

**Жорий йилнинг июль ойида 1 миллионга яқин қозоғистонликка озиқ-овқат ва асосий эҳтиёжлар учун 5,4 миллиард тенге миқдорида ёрдам пули тўланди, дейилади ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги матбуот хизмати тарқатган хабарда.**

Аввал хабар қилинганидек, тўлов 5та ижтимоий гуруҳга тегишли фуқароларга:

- манзилли ижтимоий ёрдам олувчи 6-18 ёшли болаларга;
- шу жумладан кўп болали оилалар;
- 16 ёшгача бўлган имконияти чекланган болалар (тиббий ва ижтимоий муассасаларда доимий яшайдиган ногиронлар бундан мустасно);
- барча ёшдаги I, II, III гуруҳ ногиронлари (тиббий ва ижтимоий муассасаларда доимий яшайдиган ногиронлар бундан мустасно);
- ногирон фарзанд тарбияловчи оилалар;
- маҳаллий бандлик агентлигида рўйхатдан ўтган ишсиз фуқаролар. Жорий йилнинг март-май ойларида ушбу тўловларни жами 1 миллион кишига тўлаш учун 13,5 миллиард тенге ажратилган.



**«Хабар-24».**

# БОҒУ РОҒГА БУРКАНГАН ТУРКИСТОН



Туркистон шаҳрида бултур ўтқазилган олма кўчатлари илк ҳосил бера бошлади.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев боғларни оралаб, шаҳардаги ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Бугунги кунда кўҳна шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Замонавий бинолар, яъни Нур-Султан майдони, Ўқувчилар саройи, очиқ стадион, рақамли идора ва ҳовузли спорт мажмуаси, истироҳат боғларининг қурилишига оид маълумотлар билан шаҳар ҳокими Рашид Аюпов таништириб борди.

Вилоят ҳокими қурилиши битай деб қолган биноларни оралаб кўргач, пудратчи компаниялар вакилларига аниқ топшириқлар берди.

Айни кунларда бошқарма ва департаментлар жойлашадиган бинонинг қурилиши ниҳоясига етган, ичига жиҳозлар ўрнатилмоқда. Конгресс марказида эса иш авжида. Қурилишда 300 одам ишламоқда.



## Ғамхўрлик оғушида



Туркистон вилоятида 50 мингга яқин ўқувчи компьютер билан таъминланади.

Биринчи навбатда, инсон салоҳияти бошқармаси тегишли тоифага мансуб ўқувчиларни компьютер билан таъминлашга ҳаракат қилади. “Бир оилага – бир компьютер” қоидаси ишлаб чиқилади.

Янги ўқув йилидаги янгилик – таълим муассасаларида билим бериш жараёни масофадан амалга оширилади. Рақамли Online-mektep, Daryn-Online дастурлари орқали юритилади ва муаллимлар дарсларни уй шароитида компьютер ёрдамида ўтишади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ЎҚУВЧИЛАРГА – 500 МИНГ КОМПЬЮТЕР

ҚР Бош вазири Асқар Мамин янги ўқув йили бошланиши юзасидан вазирликларга кўрсатма берди.

– Ўқув йилига тайёргарлик ишларини кучайтириш керак. Масофадан ўқитиш методологиясини ишлаб чиқиш ва болалар, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бориш муҳимдир. Бунинг учун 20 августгача бўлажак ўқув жараёни ҳақида батафсил маълумот бериб, онлайн равишда ота-оналарнинг учрашувини ташкил этиш керак, – деди Асқар Мамин Ҳукумат йиғилишида.

Унинг таъкидлашича, Ҳукумат кам таъминланган оилалар фарзандларини 500 мингга яқин компьютер билан таъминлайди.

– Ҳокимликлар бундан кейин ҳам маҳаллий даражада компьютер ускуналари билан таъминлаш устида ишлашлари керак, – деди Бош вазир.

Аввал хабар берганимиздек, вазир бошланғич синф ўқувчилари учун навбатчи синфлар очилишини маълум қилди.

**«Хабар24».**

## АДОЛАТНИ ШИОР ҚИЛГАН КЕНГАШ

“Адалдық алаңы” лойиҳаси Элбоши Н. Назарбаевнинг халққа Мактуби доирасида ҚР Уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатлар агентлиги ташаббуси билан вужудга келиб, бугунги кунда барча минтақаларда ўз кенгашига эга. Туркистон вилоятидаги кенгаш ҳам 2 йилдирки, уюшган жиноятчиликка қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширишга муваффақ бўлмоқда.

Буни вилоят минтақавий коммуникациялар хизматида ўтган брифингда вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Қалқаманов маълум қилди.

Тадбирда қатнашган вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси, ”Түркістан – адалдық алаңы” ҳудудий лойиҳа кенгаши раҳбари А. Алдаберган эса амалга оширилган ишларга тўхталди.

– 2018 йил 13 декабрда ушбу кенгаш очилди, унинг асосий мақсади – вилоят аҳолисининг фаровонлиги йўлида уюшган жиноятчиликка барҳам бериш. Кенгаш қошида турли соҳавий лойиҳалар вужудга келди. Булар: “Адал көмек”, “Саналы ұрпақ”, “Сапалы жол – адалдық алаңы”, “Парасаттылық мектебі”, “Safe zone”, “Protecting Business and Investments” лойиҳалари,– деди у.

Айтганча, “Адал көмек” нима иш қилади? Унинг вазифаси – фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида ихтиёрий равишда таркибга қўшилган ҳуқуқшунослар, ҳокимлар, идоралар раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

“Safe zone” лойиҳаси-чи? У асосан қишлоқ аҳолиси раҳбарларга бепул ва истаган вақтда мурожаат қилишлари учун ҳаммабоп wi-fi, компьютер, принтер, стационар телефон, ишонч қутиси каби воситалар билан таъминлайди.

Кенгаш ҳузуридаги аҳамиятли лойиҳалардан бири – автомобиль йўллари ва транспортни назорат қилишга мўлжалланган бўлиб, соҳага ажратилган давлат маблағининг сарфланиши, йўллар сифати ва пудратчи компаниялар фаолиятига эътибор беради. Бу борада амалга оширилган ишлар туфайли 6та туманда 17та камчилик аниқланиб, бугунги кунда йўл қўйилган хатоликларни тузатиш ишлари олиб борилмоқда.



Кенгаш аъзолари карантин пайтида дорихоналарни ҳам текширишди. 13-21 июль оралиғида 648та дорихонада мониторинг ишлари олиб борилди. Натижада 23та иншоотда дори-дармон нархи оширилгани, 2тасининг давлат лицензияси йўқлиги аниқланди. Айни пайтда уларга нисбатан чоралар кўрилмоқда.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

# ИНФРАТУЗИЛМА ЯНГИЛАНИБ, АСЛ ҲОЛИГА КЕЛТИРИЛДИ

birgemiz



**Мақтааралдаги сув тошқинидан зарар кўрган аҳоли манзилларида газ тармоғини монтаж қилиш ишлари поёнига етмоқда. Вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг маълумотига кўра, мутахассислар фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудда икки йўналиш бўйича иш олиб боришмоқда.**

Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев қурилиш ишларининг сифатини ўз назоратига олган. Янги кичик туманда ёритиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ичимли сув, электр, алоқа, оқава сув тармоқларини қуриш ва ободонлаштириш ишлари ҳам авжида.

Кичик туманда муҳандислик инфратузилма тармоқлари юритилиб, Фирдавсий, Ўргебас, Женис ва Жанатурмис аҳоли манзилларида тоза ичимли сув тармоғи асл ҳолига келтирилмоқда. Аҳолини тоза ичимли сув билан таъминлаш мақсадида 8 чақиримга қувурлар тортилди. 24,4 чақирим электр тармоғи тортилиб, 156та симёғочга тунги чироқлар ўрнатилди. Электр тармоғи бўйича ишлар 95 фоизга бажарилди. Бу жойларда асфальтлаш ишлари ҳам белгиланган режа бўйича амалга оширилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

**Жаҳонда 6 турдаги коронавирус вакцинаси клиник синовлардан ўтмоқда.**

**Вилоят ҳокими девонига 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1385та ариза келиб тушган, ундан 1090таси (149таси қаноатлантирилган, 916тага жавоб йўлланган, 25таси рад этилган) 225та ариза бошқа идораларга йўлланган, 70таси эса кўриб чиқилмоқда).**

**Ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, аризалар сони 539тага (2019 йил. 6 ой – 1924) камайган.**

**Туркистон вилояти ҳокими девонида жорий йилнинг 17 апрелида ”аризаларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш” бўлими ташкил қилинди. Мазкур бўлимда мудир билан бирга 5 нафар ходим ишламоқда.**




# АРИЗА БЕРИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бўлимнинг асосий вазифалари: келиб тушган аризаларни рўйхатга олиш, муддати ва сифатини назорат қилиш, муаммоли масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш йўлларини аниқлаш, колл-марказ, ишонч телефони, фронт-офис фаолиятини уюштириш ва назорат қилиш.

Туркистон вилояти ҳокими Ў. Шўкеевнинг раислигида ўтган ҳокимлик қошидаги Уюшган жиноятчиликка қарши иш-ҳаракат масалалари комиссиясида фуқароларга сифатли давлат хизматини кўрсатиш мақсадида “Халқ идораси”ни очиш масаласи кўтарилган эди. Шунга мувофиқ, Туркистон шаҳрида қалдирғоч лойиҳа сифатида 2020 йилнинг 13 январидан бошлаб “Халқ идораси” фаолият юритмоқда. Унда қуйидаги бўлимлар мавжуд:

-ер муносабатлари;

-уй-жой муносабатлари ва уй-жой инспекцияси;

-бизнесни қўллаш ва сайёҳлик бўлими (қишлоқ хўжалиги билан бирга);

-инсон салоҳиятини ривожлантириш;

-спортни ривожлантириш;

-инфратузилма ва коммуникациялар бўлими;

-меъморчилик ва шаҳарсозлик;

-бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими, Бандлик марказининг мутахассислари (8 мутахассис) бевосита давлат хизматини кўрсатади ва ариза-шикоятлар бўйича ишлайди. Юқорида қайд этилган бўлимлар билан 70га яқин давлат хизмати электрон равишда ва “e-gov” портали орқали, муқобил турда кўрсатилади. Қўшимча рўйхатга олиш ўрни, ахборий, хат ташувчи иши учун 9 нафар мутахассис ишга қабул қилинди. Шунингдек, “Оңтүстік жарық Транзит” корхонасининг бир мутахассиси аҳолидан тушган саволлар бўйича ишламоқда.

Халқ идорасининг иш тартиби: ҳафтанинг душанба-жума кунлари 9.00дан 19.00гача. Тушлик танаффус: 13.00дан 15.00гача.

Халқ идорасида ахборот, аҳолига хизмат кўрсатиш, кутиш зали ишлаб турибди. Аҳолига хизмат кўрсатиш залида фуқаролар учун махсус “Электрон ҳукумат” ўзигаўзи хизмат кўрсатиш бурчаги тайёрланган.

Идорада аҳолига хизмат кўрсатиш учун “Standihg” компаниясининг электрон хизмат кўрсатиш ускуналари билан (электрон навбат тахтачаси, навбат рақамларини беришга мўлжалланган ускуна) жиҳозланган.

Халқ идораси биносининг ташқариси, ички заллари видеоназорат қилинади. Фуқаролар учун аризалар ва илтимослар қутичаси қўйилган.

2020 йилнинг 13 январи ва 1 апрель оралиғида Туркистон шаҳри ҳокими девони қошида ташкил қилинган фронт-офис (иш кунлари: душанба-жума) 8396 фуқарога хизмат кўрсатди (уй-жой навбати, ер муносабатлари, ишсизлик, ижтимоий ёрдам, таълим соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, архитектура).

Шунингдек, 644 жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан аризалар қабул қилинган. Фуқаролар тушган ариза ва сўроқлар электрон турда ҳоким ўринбосарларига ва тегишли бўлимларга йўлланди. Жавоблар тайёр бўлганда Халқ идораси орқали ариза эгаларига почта орқали етказилади.

**1 апрель 18 май оралиғида Халқ идораси онлайн шаклида иш юритди. Шаҳар ҳокимлигининг Call-маркази 87020325732 (ватсап) рақами билан иш юритиш Халқ идорасида йўлга қўйилган. Бунинг учун махсус “Trello” дастури идорадаги барча ходимларнинг компьютерига киритилди.**

Идоранинг halyktikkense@mail.ru почтаси очилиб, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қоғоз шаклида кўрсатиладиган давлат хизматлари ишсизликка рўйхатга олиш, йўлланма бериш, уй навбатини билиш борасида зарурий ҳужжатлар шу почта орқали ва ватсап рақамига сканерлаш орқали қабул қилинади. Бу хизматлар фақат иш кунлари (душанба-жума) соат 9.00дан 18.00гача кўрсатилади.

Кундалик шошилинч (электр, сув, газ, ва бошқалар) масалаларга тегишли саволлар диспетчерлик “whatsApp” **87020325732** рақамига кечаю кундуз қабул қилинади. Ушбу саволлар бўйича тегишли бўлимлар иш юритмоқда.

1 апрелдан 18 майгача фуқаролардан ижтимоий ёрдам пуллари ва озиқ-овқат ёрдамини сўровчилар, ишсизликка рўйхатга туриш, уйдан кириб-чиқиш рухсатномасини олиш бўйича юқорида қайд этилган ватсап рақами ва **8890** ягона рақамига қўнғироқлар ва электрон шаклда саволлар келиб тушди.

18 майдан бошлаб халқ идораси санитария талабларига риоя қилган ҳолда фуқароларни қабул қилишни йўлга қўйди. 18 май ва 30 июнь оралиғида фақат электрон ҳукумат портали орқали хизмат олишга келганларни қабул қилди. Сабаби, АХМларда иш тартиби ўзгариб, (600та хизмат тури қисқарди) фуқароларни қабул қилиш чеклангани учун фуқаролар (3360га яқин фуқаро) халқ идораси хизматига мурожаат қилди. 18 май ва 9 июнь оралиғида ҳокимлик жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан бевосита аризалар қабул қилгани йўқ, фақат электрон ҳукумат портали орқали қабул қилинди. Бевосита қабул қилиш Халқ идорасида 9 июндан бошланиб, бугунги кунгача шаҳар ҳокимлигида ёзма (жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг) 255та аризаси қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Халқ идорасида АХМнинг мутахассиси махсус ўқув курсларини ўтказмоқда. Сабаби, халқ идорасига электрон имзо олиш, маълумотномаларни олиш, ёрдам ҳақи тайинлашга ариза бериш, уй навбатига туриш, ер, уй ҳужжатларини қонунийлаштириш бўйича барча хизмат турини “e-gov” портали орқали олмоқда. Шунингдек, 18 май ва 25 июнь оралиғидан бошлаб, Халқ идорасида 15 минг тенге коммунал ёрдам олишга ариза қабул қилиш амалга оширилди. Шу кунгача 11 мингга яқин фуқародан ариза қабул қилинди.

2020 йилнинг январь ойидан бошлаб 1 июлгача Халқ идорасига келган ва илтимос билдирган фуқаролар сони – 34545.

## ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

**Туркистон вилояти ҳокимлиги карантин чораларини эътиборга олган ҳолда фуқароларни шахсий масалалари бўйича онлайн шаклида қабул қилади.**

Қабул ҳар ойнинг сўнгги жумасида аввалдан ёзилув бўйича навбатма-навбат ўтказилади, якка қабулга чақирилган фуқаролар рўйхати аввалдан тузилади.

Якка қабуллаш ариза берувчининг эътиборига ҳавола қилинган кун ва вақтда ўтади.

Ушбу қабулни ўтказиш ўрни, куни ва вақти тўғрисида ариза берувчига у кўрсаткан телефон рақами орқали хабар берилади.

**Шахсий қабулга аввалдан ёзилиш кун сайин, иш кунлари 8725-33-5-98-99 телефони, r.asilbekova@ohtustik.gov.kz орқали рўйхатга туриш мумкин.**

● **Ҳамюртимиз – фахримиз!**

# АЛИАКБАРНИ КОРЕЯДА МУКОФОТЛАШДИ



**Муқаддам газетамиз саҳифасида «Улес» хайрия жамоат жамғармаси раиси Райимжон Кўчқоров йўллаган лавҳани – туркистонлик 28 ёшдаги Алиакбар Йўлдошевнинг Жанубий Корея мамлакатидаги жасорати ҳақида ҳикоя қилган эдик. Яъни, жорий йил 24 мартга ўтар кечаси Алиакбар хорижда ўзи ижарага олган уйда рўй берган ёнғиндан ваҳимага тушмай, тез фурсатда қўшниларни огоҳ этиб уларни ёнғин гирдобидан халос этишда холис хизмати билан кўзга тушди. Унинг мардлиги шарофати билан 10 киши муқаррар ўлимдан сақлаб қолинди.**

Жанубий Корея давлати ҳукумати Алиакбар Йўлдошевнинг мардлигини муносиб баҳолаб, унга ушбу мамлакатга истаган вақтида келиб, истаганча яшаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминловчи ҳужжат билан тақдирлашди. У 2017 йилдан буён Жанубий Кореяда норасмий тарзда яшаб, ҳалол меҳнат билан машғул эди. Ушбу давлат Соғликни сақлаш ҳамда ижтимоий таъминот вазирлиги тантанали равишда Алиакбарга ажойиб туҳфани топширишди. Биз ҳам қаҳрамонни қутлаб, Туркистон вилояти маркази Туркистон шаҳри шарафини хорижда меҳнати ва жасорати билан улуғлаётган Алиакбарга омадлар тилаймиз.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Суратда:** Алиакбарга жасорати учун муносиб мукофот.

## 42 МИЛЛИОН ТЕНГЕ ЖАРИМА – КАРАНТИН ТАЛАБИНИ БУЗГАНЛАР ЖАЗОЛАНАДИ

Тезкор гуруҳлар олиб борган махсус мониторинг ишлари давомида мутахассислар 7061та иншоотни оралади. Натижада 1386та иншоотда карантин талаблари бузилгани аниқланди. Рейд натижаси бўйича маъмурий ҳуқуқ бузганларга нисбатан далолатномалар тўлдирилди. 732 фуқарога 30 ОҲК (75750 тенге), 36 тадбиркор ва ҳуқуқий шахсларга 230 ОҲК (638940 тенге) миқдорида жарима белгиланди.

Рейд давомида, шунингдек, ман этилган оилавий тадбирлар аниқланиб, тўхтатилди. Умуман, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича 769та маълумотнома тўлдирилиб, 42322830 тенге жарима белгиланиб, ундан 2678475 тенгеси ундирилди.

Тезкор гуруҳлар ўз фаолиятини давом эттиришмоқда

## 100 МИНГДАН ЗИЁД ОДАМДАН COVID-19ГА ТЕСТ ОЛИНГАН

Бугунги кунгача вилоятимизда 100136 киши коронавирус бўйича текширилди. Минтақада полимеразли реакция усули билан ишлайдиган 7та лаборатория фаолият юритмоқда. Covid-19 вирусини аниқлаш учун ҳар бир лабораторияда бир кеча кундузда 500га яқин одамдан таҳлил олинади. Арис, Сариоғоч, Қазиғурт, Тўлебий, Жетисай, Ўрдабоши туманларидаги 6та ташҳисхонада ПТР ускуналари ўрнатилиб, ташҳис қўйила бошлади.

Умуман олганда, вилоятимизда эпидемиологик аҳвол назорат остида. Сўнгги маълумотларга кўра, бир кунлик ўсим 0,7 фоизни ташкил қилди. Яъни, аҳвол барқарорлашиб, коронавирус инфекциясининг тарқалиши пасайган.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

“Визит” МЧБнинг ишлаб чиқариш цехи ва омбори ёниб кетди.

# АССАМБЛЕЯНИНГ ҚУРБОН ҲАЙИТДАГИ ТУҲФАСИ

**Қозоғистон халқи ассамблеяси (ҚХА) Қурбон ҳайити кунларида коронавирус дардига қарши курашган шифокорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика миқёсида "Минг бор таъзим" хайрия акциясини ташкил этиб, 78798770 тенге миқдорида гуманитар ёрдам кўрсатди.**



Тадбирда ҚХА аъзолари, тадбиркорлар, меценатлар ва этномаданият бирлашмалари вакиллари, "Янгиланиш йўли" республика ёшлари ҳаракатининг вакиллари ва кўнгиллилари қатнашиб, 11461 тиббий ходим ва 7035 оилага хайр-саховат кўрсатилди.

Чунончи, вирус юққан беморлар билан бевосита ишлайдиган ходимларга, провизор марказлари ва шифокорлар ўз оиласидан ажраган ҳолда яшаётган махсус уйларга қурбонлик қилинган жониворларнинг гўшти, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилган саватлар етказиб берилди.

Стационарда ётган беморлар ва шифокорларга иссиқ овқат билан биргаликда, мевачева, қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар тарқатилди.

Пандемия сабабли оламдан ўтган шифокорларнинг оилаларига пуллик ёрдам уюштирилиб, фарзандларига совғасаломлар улашилди. Муҳтож оилаларга ҳам "ҳайитликлар" берилди.

Пойтахтдаги "Вайнах" чечен-ингуш, "Хазар" озарбайжон, "Тан" татар-бошқирд, "Қирғизистон Астана" ва "Жайҳун" қорақалпоқ этномаданият марказлари, Қарағанди, Павлодар, Атиров, Қўстанай вилоятлари, Алмати шаҳридаги барча миллатлар вакиллари, Оналар кенгаши, Шимолий Қозоғистон вилоят "Дуслык" татар бошқирд ижтимоий маркази, Туркистон вилоятидаги ўзбек, татар, озарбайжон этномаданият бирлашмалари, Алмати вилоят Уйғур тумани ҚХА фаоллари фаоллик кўрсатишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ассамблея вакиллари пандемия бошлангандан буён тиббий ниқоблар тарқатиш, муҳтожларга озиқ- овқат маҳсулотлари бериш каби хайрли ишлардан ташқари Мақтаарал туманини сув босганда ҳам биринчилардан бўлиб ёрдамга шошилди.

**ҚХАнинг матбуот хизмати.**

# ШАМШИ ХИЁБОНИ ЯНАДА ОБОДЛАШАДИ

**Шимкентдаги Шамши хиёбони 2006 йили барпо этилган. 2011 йили ҳомийлар маблағига кенгайтирилиб, ободонлаштирилди. Хиёбон ўтган 9 йилда бирон марта ҳам таъмирланмаган эди. Шаҳар ҳокимининг қарори билан бу ернинг инфратузилмаси текширувдан ўтказилиб, қатор камчиликлар аниқланди. Плиталар, сув ва электр тизими 80 фоиз ишдан чиққан, ер ости кабеллари очилиб, дам олувчилар ҳаётига хавф туғдираётган эди.**



Хиёбоннинг янги лойиҳаси ишланиб, ишлар бошланди. Бу ерда 52 одам таъмирлаш ишларида иштирок этиб, сентябрь ойида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқда.

– Аввало, хиёбондаги биронта дарахтга зиён етмаслиги керак, – деди қурилиш майдонини оралаган шаҳар ҳокими М. Айтенов. – Қолаверса, ҳудуднинг тарихийлиги, ҳамюртларимиз ҳамда хорижлик сайёҳлар учун аҳамиятли маскан эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг кечаю кундуз сайр қилиши, мароқли дам олишига асқотувчи барча қулайликларни яратишни назарда тутиш лозим. Бу ерда умумий овқатланиш шохобчалари – ресторан, кафе ёки бар бўлмайди. Аксинча, бу ерда одамларга завқ берадиган, ҳордиқ улашадиган масканлар – фавворалар, сайрғоҳлар, шарқона услубларда тайёрланган ўриндиқлар, Wi-Fi ҳудудлар, ахборот хизматларини кўрсатувчи марказ ташкил этилса, мақсадга мувофиқ. Умуман, бажарилган ҳар бир иш хиёбонга кирган кишида ҳавас ва яхши кайфият уйғотсин. Хиёбон атрофида ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларини чегаралаш, уларнинг ҳаракатланиш тезлигини босқичма-босқич камайтириш чоралари кўрилмоқда.

**«Жанубий Қозоғистон» мухбири.**

# ИЛЛАТГА ЧАЛИНГАН АЁЛЛАРДАН СОҒЛОМ БОЛАЛАР ДУНЁГА КЕЛДИ

**Кентов шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида ковид иллатини юқтирган 7 нафар ҳомиладор аёл фарзандларини омон-эсон дунёга келтирган. Ҳозир оналар ва болаларнинг саломатлиги яхши. Буни касалхонанинг бош шифокори Гулбану Жумағали қизи маълум қилди.**

– Шаҳар аҳолисини карантин талабларига қатъий риоя этишга чақирамиз. Касалхонамизда дори етарли, икки ойга етадиган дори-дармон жамғармаси бор. Фақат аҳоли карантин талабларига қатъий риоя этиши керак. Шундагина бу иллатни енгиб чиқа оламиз. Барчамиз ҳамжиҳат бўлишимиз керак, – деди.

Шаҳар марказий касалхонасидаги ҳолат ҳам барқарорлаша бошлади. Бунгача кунига 50-60 одам тез ёрдам орқали шу ерга етказилса, ҳозир бу кўрсаткич 10-15 кишигача камайган.

**Туркистон вилоятининг минтақавий коммуникациялар хизмати.**

● Жаҳонда нима гап?

## БМТ дунё давлатларини ўқувчиларни мактабга юборишга даъват этмоқда

Европа мамлакатлари инфекциянинг тарқалиш ҳолатлари билан курашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча ҳукуматларни ўқувчиларни мактабга қайтаришга ва ўқишни давом эттиришга даъват этмоқда.

Сешанба куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг таъкидлашича, коронавирус туфайли эълон қилинган «таълимдаги танаффус» сайёрамизнинг барча авлодлари учун катта таҳдиддир.

Гутерришнинг сўзларига кўра, июль ойининг ўрталарига келиб 160 мамлакатда 1 миллиардга яқин ўқувчи учун мактаблар ёпилган ва 40 миллионга яқин бола мактабгача таълим олиш имконидан маҳрум бўлган. Шу билан бирга, 250 миллион бола эпидемия бошланишидан олдин мактабдан ташқарида эди ва ривожланаётган мамлакатларда ўрта мактаб ўқувчиларнинг тўртдан уч қисми ҳатто бошланғич маълумотга эга бўлмасдан ҳам мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

## Мумбайнинг катта қисми сув остида қолди

Ҳиндистоннинг «иқтисодий пойтахти» бўлган Мумбайнинг бир неча туманлари мавсумий муссон ёмғири туфайли сув остида қолди, деб хабар беради Kazinform NDTV телеканалига асосланиб.

Телеканалнинг хабар беришича, душанба кунидан бери ёққан ёғингарчилик миқдори 230 мм.гача етган. Сешанба куни ҳокимият фавқулодда хизматлардан ташқари барча офис ва биноларни ёпишга қарор қилди. Автобус қатнови чекланди, маҳаллий поездлар тўхтатилди. Шаҳарнинг бир неча қисмидаги кўчалар ва йўллар сув остида қолди. Горегаон, Кинг-Серкл, Дадар ва Шивадж-Чоук туманлари айниқса жиддий зарар кўрди. Синоптиклар шаҳарда ҳали ҳам кучли ёмғир ёғиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

## Қаловини топган Болгария

Болгарияда дам олиш вақтида коронавирусга чалинган сайёҳларнинг овқатланиш ва даволаниш харажатлари қоплаб берилиши мумкин.

Мамлакат бош вазири ўринбосари ва туризм вазири Марияна Николованинг сўзларига кўра, Болгария курортларида туристларнинг коронавирус юқтириши билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат қайд этилмаган.

«Меҳмонхоналаримиз курортларда касаллик юқишининг олдини олиш мақсадида барча санитария талабларига риоя қилмоқда. Бу Болгариянинг дам олиш учун хавфсиз жой эканлиги тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди», деди у.

Шунингдек, Болгария туризм вазирлиги мамлакатда ҳордиқ чиқариш вақтида COVID-19 билан оғриган туристларнинг мажбурий карантин давридаги овқатланиш ва яшаш харажатлари қоплаб берилишини таклиф қилди. Николованинг айтишича, вазирлик бу масала юзасидан молия вазирлиги билан музокара олиб бормоқда.

Шу кунгача Болгария курортларида туристларнинг коронавирус юқтириши билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат қайд этилмаган.

## Франция саховатда пешқадам

Франциядаги машҳур LVMH концерни қўлни дезинфекцияловчи воситаларни бепул ишлаб чиқармоқда.

Маълум бўлишича, концерн биринчи ҳафтада 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Унга бўлган талаб тўлиқ қондирилмагунча улар ишлаб чиқаришни тўхтатмайди.

Қайд этилишича, санитайзерлар Christian Dior, Givenchy ва Guerlain брендлар учун парфюмерия ишлаб чиқарувчи учта заводда ишлаб чиқармоқда.

## Коронавирус жинс танлайдими?

Коронавирусдан нега айнан эркаклар кўпроқ вафот этаётганининг сабаби маълум бўлди.

Статистика маълумотларига кўра дунёда коронавирус хасталигидан асосан эркаклар вафот этмоқда. Хусусан, Жанубий Кореяда вафот этганларнинг 54 фоизини эркаклар ташкил этган бўлса, Италияда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этмоқда.

Манбанинг таъкидлашича, дунёда эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ тамаки чекишади ва спиртли ичимлик истеъмол қилади. Чунончи, Хитойда тамаки чекиш кўрсаткичи эркаклар орасида 50, аёллар орасида эса 3 фоизни ташкил этади. Италияда ҳам эркак кашандалар икки баравар зиёдроқ. Шундан келиб чиқиб, хасталикка чалинган эркаклар бирданига сунъий нафас бериш мосламасига эҳтиёж сезмоқда. Бунинг натижасида эса эркакларда ушбу хасталик бироз оғир кечиб, ўлимга олиб келяпти.

Global Health 50/50 хулосасига кўра, дунё бўйича коронавирусдан вафот этаётган эркаклар аёллардан икки карра кўпроқдир.

Бейрут фожиаси: қурбонлар сони 130 нафардан ошди.



**«Тўлебий тумани тарихи» рисоласи муаллифи, ўлкашунос-тарихчи Асет Кембаевнинг навбатдаги китоби – «Тўле бий – Қалдирғоч бий» китоби Алматидаги «Алматыкітап баспасы» нашриётида босилиб чиқди. Қуйида мухбиримизнинг муаллиф билан рисола ҳақидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**




# БУЮК ДАШТНИНГ БУЮК ДИПЛОМАТИ

**– Тўле бий ҳақида китоблар оз эмас. Чунончи, Тошкентда ўтган Тўле бийнинг 355 йиллигига бағишланган тадбирда Тўле бий туман ҳокими Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига "Тўле бий" 7 жилдли китобини тақдим қилди. «Хабар» телеканалида Батирхан Дауренбеков суратга олган сериал ҳам намойиш этилди. Сизнинг бу китобни ёзишдан мақсадингиз нима эди?**

– Қай даврда, қай замонда бўлмасин, қийинчилик кезларида йўл топган, сўраганга маслаҳат берган, қозоқ халқининг бошини бириктирган, туғини тик тутган улуғ шахслар оз бўлмаган. Элимизни ҳам биз шулар туфайли сақлаб қолдик. Тарихимиздаги улуғ шахслардан бири – Тауке, Бўлат, Абилмамбет, Жўлбарис, Абилай хонлар даврида элнинг борлигини ва бирлигини сақлаб қолиш учун курашган йирик арбоб, Дашт демократиясининг донишманди, аз-Тауке тузган бийлар кенгашининг аъзоси, беқиёс воиз, "Жети жарғи" ("Етти Низом") қонунлар қомусининг бош муаллифи – Тўле бий Алибекули 357 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлашни ният қилган эдим. Бундан ташқари, Тўле бий ҳақидаги анчагина маълумотларни Россия музейларидан Қозоғистонга олиб келиш ташаббусини шахсан кўтариб, уларни ўзим олиб келганман. Улар Тўле бий туман тарихий-ўлкашунослик музейида сақланмоқда.

**– Тўле бий деганда кўз олдингизга қандай одам келади? Уни қандай таърифлайсиз?**

– Қозоқларнинг халқ сифатида сақланиб қолишида куч-ғайратини аямасдан хизмат қилган Тўле бий Алибекули беқиёс туғма қобилиятга эга бўлган инсон бўлган, қанотли иборалар санъатини чуқур ўрганган, қалби тийрак, ақли теран киши бўлган. Сиёсатга эрта аралашиб, оқилу одиллиги, воизлиги, топқирлиги билан эл ҳурматини қозонган.

Тўле бий – халқ дарди, миллат қайғуси билан яшаган, доно сўзлари эл дардига малҳам, нақллари ҳамдам бўлган, хонга ҳам, оддий халққа ҳам тенг муносабатда бўлган Буюк Дашт донишманди, оқил, доно, халқ йўлбошчиси бўлган.

Тўле бийнинг бобоси Қудайберди бий – Есим хоннинг ўнг қўли бўлган. Отаси Алибек ҳам адолат туғини тик тутган, элнинг ҳурматига сазовор бий эди.

**– Тўле бий туғилган жойга тўхталсангиз...**

– Тўле бий Алибекули 1663 йили дунёга келган. Гомернинг қаерда туғилгани масаласида юноларнинг етти шаҳари тортишгани каби, Тўле бийнинг қаерда туғилгани ҳалигача илмий томондан ўз далил-исботига эга манба топилмаган. Шапираштi Қазибек Тавасарулининг "Туб-томиримдан ўзимга қадар" номли китобида бобомизнинг Арқаснинг этагидаги Олакўлда, Кўктума деган кичик ирмоқнинг дарёга қуйилиш жойидаги манзилда туғилгани тилга олинади. Айрим манбаларда Қазиғурт тоғига яқин, Бодом дарёсининг чап ҳавзасидаги Байтик деган жойда дунёга келган дейилса, баъзи тадқиқотчилар Чу водийсининг Жайсан яйловида туғилган, дейишади.

Шу билан бирга, Арқаснинг ҳам, Чингизхоннинг ҳам ота-боболари исми билан аталадиган Баян Журек, Қапал манзиллари Тўле бийнинг ота юрти эканлиги борасида ҳеч қандай зид маълумот йўқ. Жанту-Жарилқамис илгаридан Арқас билан Шимбаснинг орасида кўчиб-қўниб юриб, йўл қилган экан. Кейинчалик, бу водий Тўле бий яйлови деб аталиб кетган.

– Шунча олисга нега кўчасиз, ўзингиз туғилган Арқаснинг бағри етмайдими? – дейишганида, Тўле бий:

– У ёқда бобом Байдибек ётибди, бу ерда эса унинг отаси Қараш ётибди, – дер экан.



Алибек бий ҳам бир муддат Арқасни, бир муддат эса Лепси дарёси бўйини макон қилади.

Тўғри, ўша нотинч замонларда боболаримизнинг туғилган ерига оёқ тираб, умр сурешига имкон бўлмаган. Урушлар туфайли халқ бир муддат кунботарда, бир муддат кунчиқарда яшашга мажбур бўлди.

Тўле бийнинг тарих саҳнасига чиққан вақти – эл нотинч, дунё тўс-тўполон бўлган, йилқини ёйсанг – ёвники бўлиб турган, қозоқнинг оғзидан қопқоқ, бошидан тўқмоқ кетмаган, тиғ қинидан суғурилган, ботирларининг қуроллари ёнида, от устида кун кўрган, ҳафтада бир камарини ечмаган давр эди.

Жунғор хонлиги бўй кўтариб, ҳайбатли кучга айланиб улгурган эди. Қозоқларнинг халқ сифатида тарихда қолиши ҳам номаълум бўлиб қолган йиллар эди бу давр.

Ташқи хавфни зийраклик билан сезган Тўле бий Ўрта жузнинг бош бийи Келдибекули Қазибек, Кичик жузнинг бош бийи Байбекули Айтеке билан бирга Тауке хон даврида Туркистон шаҳрини марказга айлантириб, уч жуз халқини бир чанғароқ остига бирлаштиришга, шу тариқа ягона Қозоқ хонлигини мустаҳкамлашга, жунғор босқинларига қарши қардош қирғиз, қорақалпоқ, ўзбек халқларининг иттифоқини тузишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашди.

Култепада ҳар куни йиғин ўтиб, Хон кенгаши, Бийлар кенгаши ташкил топди. Аммо Кенгаш таркибидаги қирғиз ва қорақалпоқ бийларини қўятурайлик, бутун олти Алаш тугул, 170га яқин уруғдан ташкил топган учта жузнинг бошини бириктиришнинг ўзи қийин давр эди. Шунга қарамай, Тўле бошлаб, Қазибек билан Айтеке қўллаб-қувватлаб, Ўрдабошидаги халқ йиғинида маъқулланган тадбирлар туфайли келажакка ишонч мустаҳкамлана бошлади. Абулхайр хон қозоқлар қўшинига бош сардор этиб сайланди.

Тўле бийнинг ақл-фаросати "Оқ товон чувринди, Алқакўл сувлама" даврида аниқ кўзга ташланди. У қозоқ ерини босқинчилардан озод қилишга улкан ҳисса қўшди. Эл-юртини бирликка даъват этди.

Қозоқ хонлиги заифлашиб, жунғорларнинг босқинчилик ҳаракатлари кучая бошлаган даврда Тўле бий Қабанбай, Бўгенбай ва Жанибек ботирлар билан бирлашган халқ лашкарини тузиб, озодлик учун кураш олиб борди. Ўша оғир дамларда кўрсатган мардонавор хизмати Тўле бийнинг исмини бутун қозоқ халқининг ғурурига, миллатга беғараз хизмат қилишнинг рамзига айлантирди.

"Хон бўлганнинг қозиғи, қора халқнинг озиғи" аталиб, хон билан авом орасида олтин кўприк бўлган Майқи бий, Сипира жирау, Асанқайғи, Жиренше воизларнинг ўтмиш мероси Тўле, Қазибек, Айтеке сингари бийлар тарих юклаган оғир вазифани шараф билан адо этдилар.

Аслини айтганда, бу бийларнинг ҳар қайсисини турли жузларнинг бийи деб аташ ҳам шартли нарса. Уларнинг ҳар уччаласи ҳам қозоқ халқининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий оламининг даҳолари эдилар. Қозоқнинг Катта жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз деб бўлиниши ҳам чин маънода бўлиниш, парчаланиш эмас, Улуғ Далани бошқаришнинг оқилона усули эди.

Абилайни тарбиялаб, уч жузнинг хони даражасига кўтарган Тўле бий эди. Болалигидаёқ унинг қобилиятини сезиб, "Сабалақ", исмини берган, ташқи кўздан яшириб, туя боқтириб юриб, бутун қозоққа хон кўтариш Тўле бий сингари доно кишининггина қўлидан келарди.

Абилай хон ўсиб-униб, ҳам бийнинг, ҳам элнинг ишончини шон-шараф билан оқлади. Авлиё Бухор бобомиз ҳам буни вақтида айтиб кетган.

Тўле бий 1734 йили Россия подшоси Анна Иоанновнага ва Оренбург губернатори И. Неплюевга хат йўллаб, тобе бўлишга рози эканлигини билдирди. Оғир даврда чорасизликдан қўйилган қадам эди бу. У жунғор босқинидан азоб чеккан халқнинг аҳволини яхшилашни биринчи ўринга қўйди. 1748 йили рус савдо карвони тўналганда "одил бийнинг туғишгани йўқ, туғишгани бор бийда иймон йўқ" деб, Қўйгелди ботирни бийлар кенгашига чақиртириб, бутун зарарни халқнинг кўз ўнгида тўлаттирди. 1748 йили Абилхайр хон ўлдирилганда унинг ўғли Ерали султон отасининг хунини талаб қилиб, Тўле бийга арз қилди. Тўле бий Абилхайрнинг ўлими учун айбдорларнинг Жети жарғи (Етти Низом) қонунига асосланиб, етти хун тўланиши тўғрисида қарор чиқарди.

Ерали айбдордан икки хун олиб, тўрт хунни кечирди-да, отасини ўлдиришга қатнашганлардан бири – Сиримбет ботирни еттинчи хун ўрнига ўз қўли билан ўлдирди.

Абилхайрнинг ўғиллари бу билан чекланмай, Тўле бийга Бароқ султонга даъвогар эканлигини билдирдилар.

Қочиб юрган Бароқ султон Тўле бийга келиб, одил судлов ўтказишни сўрайди. Тўле бий йиғилишга Жалғанбий, Сирлибий, Дабабий, Кабек мирзони чақиртиради.

Бийлар кенгашида Бароқ султон оқланди. Абилхайр хоннинг ўлими учун одамнинг хунини белгилаганда ҳам, Бароқ султонни оқлаганда ҳам, қариндоши Қўйгелди ботирдан тўналган рус савдо карвонининг зарари учун икки минг йилқи тўлатиш қарорини чиқарганда ҳам Тўле бий элнинг турмушини бузмаслик, қўлидан келганча халқнинг тинчлигини, бирлигини сақлашни кўзлади.

**– Тўле бийнинг маънавий меросига тўхталсангиз.**

– Тўле бийнинг ҳаёти, унинг асл мероси, ўсиб-унган муҳити, даври ҳали теран тадқиқ қилингани йўқ, кичик мақолалардан бошқа, айрим ҳаваскорларнинг ёзганидан бошқа кенг қамровли бир иш кўзга ташланмайди. Шунинг учун Тўле бийнинг ҳаёти ва фаолиятига алоқадор манбаларни Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Пекин шаҳарларига, яна ўзга юртлардаги бошқа шаҳарларга махсус мутахассислар бориб, изланиш олиб бориши зарур, деб ўйлайман.

Тўле бий болалик чоғидан эл орасидаги ер-мулк низолари, есир довига аралашиб, катта-кичик келишмовчиликларга ажрим чиқариб турган. Ўша замондаги ботирлар билан бийларнинг, ҳатто хонларнинг бир қанчасига маслаҳатчи бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатган.

Тўле бий хон ва султонларнинг, беклар билан бийларнинг ўзаро уруш ва талашув-тортишувларининг миллат мустақиллиги ва эркинлигига фойда бермаслигини билиб, эл бирлигини байроқ қилиб кўтарди. Бизгача етиб келган афсона ва ривоятларнинг ҳар бирида Тўле бийнинг эл бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари кўриниб туради.

Тўле бий Тошкентдаги Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилган. Ибратли умр сурган бийнинг ёрқин хотирасини кўплаб оқин ва жираулар ўз ижодларида куйлаб, унинг донолигини уч асрдан буён ҳормай-толмай тилга оладилар. Атоқли рассом Тўқболат Тўғисбаев чизган суратда Тўле бий бобомизнинг даҳо сиймосини қайта жонлантира олган, ўта муваффақиятли ижод маҳсули.

Тўле бийнинг исми қозоқ халқи орасида ўта ҳурмат билан тилга олинади. Бу – унинг бутун қозоқ халқи тақдирига алоқадор йирик воқеаларнинг ўртасида юрганининг далили. Тўле бийнинг замондоши, тақдирдоши Қазибек бий Тўле бий оламдан ўтди деган, хабарни эшитганда: "Тўле ўлди дегунча, дунёда адолат ўлди десанг-чи. Мукаммал ҳокимиятга Тўле етган, мукаммал хонликка Есим етган, бу иккови га ким етган?"– деб, йиғлаган экан. Шунинг ўзиёқ алпларнинг бир-бирининг қадр-қиммати ва хосиятини тан олганини кўрсатиб турибди.

Тўле бийни биргина қозоқ халқи эмас, ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ, тожик халқлари ҳам авлиё киши, бийимиз деб, исмини бугунги кунда ҳам яхши хотира билан эсга олади.

Тошкент ва Шимкент атрофидаги қозоқлар ва ўзбеклар Тўле бийнинг номини тўғридан-тўғри тилга олмайди. "Қалдирғоч авлиё", "Қалдирғоч бий" деб қадрлашади. "Ўзбек ССР Фанлар академияси ахбороти" номли илмий журналнинг 1954 йилги 2-сонида М. Е. Массон "Тошкентнинг ўтмиши" номли археологик-топографик ва тарихий-меъморий очерк нашр қилдирган. Унда "Инқилобгача Шайхонтоҳурдаги қабртошлар кўплаб қабрпўшлар остига яширинган. Бу ерда XVIII асрнинг биринчи ярмида Ули жузнинг бошқарувчиси, қозоқнинг бийи Тўле бий "Қалдирғоч" лақаби билан аталган киши дафн этилган", деб ёзади.

Таниқли давлат арбоби З. Турисбеков Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси бўлиб хизмат қилган пайтда Тўле бий мақбарасини таъмирлаб, Айтекебийнинг мақбарасини қайта тиклашга кўп меҳнати сингди.

**– Қизиқарли ва мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Авазхон АБДУФАТТОҲ.**

# ЛОЙИҲА САМАРАЛИ ИШЛАМОҚДА

**2014 йилда Элбоши Н. Назарбаевнинг топшириғига мувофиқ, “Мангу эл ёшлари – индустрияга” давлат дастури жорий этилган эди. Унга дастлаб 7та олий ўқув юрти ва 25та коллеж сафарбар этилиб, Манғистов, Қизилўрда, Жанубий Қозоғистон, Жамбил, Алмати вилоятларининг ёшлари қатнашди. Шу йиллари олий ўқув юртларига 1050, коллежларга 1000та грант ажратилган бўлишига қарамай, июнь ойининг сўнгигача 30тагина ариза келиб тушиб, лойиҳа ўз мақсадига эриша олмаган эди. Лекин “Серпін” умуммиллий ижтимоий лойиҳасининг дунёга келиши, соҳада таҳлилий ишларнинг тегишли даражада юритилиши натижасида бугунги кунда мазкур дастур мамлакатимиздаги энг машҳур лойиҳалардан бирига айланди. Натижада йил сайин грантлар сони ортиб, унга бўлган қизиқиш кучайиб борди.**




Ўтган йилда республикамизнинг шимолий минтақаларида таълим олишга Туркистон вилоятидан 3000 нафар мактаб битирувчиси ариза берган эди. Умуман олганда, 2019 йилда “Серпін” дастури бўйича олий ўқув юртлари учун 5089, коллежларга эса 740 грант ажратилди. Дастурда ЯМТда қатнашган, поғона кўрсаткичида белгиланган баллни тўплаган ҳар қандай мактаб битирувчиси иштирок этиши мумкин. Грантлар сонининг жорий йилдагидан 1376тага кўплиги ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик белгисидир. Талабаларга 350та мутахассислик бўйича ўқиш тавсия этилди: 195та ихтисослик техника соҳасига оид, 91таси педагогика, 64таси эса қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари.



“Серпін” индустриявий-инновациявий лойиҳалар учун мутахассислар тайёрлаб, ишчи кучи кўп ҳудудлардаги ёшларга талаб юқори касб бўйича ўқишни уюштиради. Шунингдек, техник ва касбий таълимнинг нуфузини ошириб, ёшларнинг ишчи мутахассисликларга бўлган қизиқишини шакллантиради ва ижтимоий муаммоларини, ишсизлик масалаларини ижобий ҳал қилади.

“Серпін” дастурига ажратиладиган грант 2017 йилда 4 мингтагача кўпайтирилди. Лойиҳада иштирок этадиган ОЎЮ сони ҳам ортиб бормоқда. Ижтимоий ташаббус доирасида мамлакатимизда мутахассисларни тайёрлаш кўзланган. Дастур доирасида жануб ёшлари шарқ ва шимолда таълим олиб, ҳудуддаги аҳоли сони ва иқтисодиётини юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Битирувчиларни ўқиган минтақаларида ишга жойлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Олий ўқув юртига кириш учун битирувчилар ЯМТ ёки мажмуавий тестда қатнашишлари шарт. Тўртинчи – танлаган фани бўйича балли етарли бўлиши лозим. Бу шарт олий ўқув юртига киришни истаганларгагина тааллуқли. Коллежларга кирадиганларга бу талаблар қўлланилмайди. Лекин улар коллежларда имтиҳон топширадилар. Олий ўқув юртларига кира олмаган ва 2-3 йил аввал ўқишни битириб, грантга эга бўлолмаган, ўз маблағи ҳисобига ўқишни тугаллаганлар махсус ўқув ўринларини танлашлари мумкин. Асосийси, унда иштирок этувчиларнинг ёшига чеклов қўйилмаган. Бугунги кунда “Серпін” орқали 30 ёшдан ошган, оилалилар ҳам ўқишга кириб, таълим олмоқдалар.

**– Дастур 14та вилоятни қамраб олган, уларнинг 9таси қабул қиладиган, 5таси эса йўллайдиган минтақа. Унинг доирасида шимолий минтақаларга ўқишга бораётган ёшларнинг 50 фоизи бизнинг вилоятимиздан, – деди Туркистон вилоят оила, болалар ва ёшлар иши бошқармасининг катта мутахассиси Р. Аманова.**

Мутахассисларнинг фикрича, “Серпін” дастури мамлакатимизда ишсизлик муаммосининг ҳал этилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Республика бўйича бу кўрсаткич 4,9 фоизни ташкил қилса, ёшлар орасида 3,8 фоизгина. Бу – дастурнинг самарали ишлаётганидан далолат беради.

Статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда мактаб битирувчиларининг 18 фоизи коллежларга, 60 фоизи эса ОЎЮга ўқишга киради. 19 фоиз йигит-қиз ихтисослик эгалламайди.

Тўғри, ёшлар биз учун совуқ бўлган, нотаниш шаҳарларда ўқишни танлашда иккиланишлари аниқ. Лекин биздаги ўқув масканлари ҳаммани қамраб олиш имконига эга эмас. Шундай экан, давлат ғамхўрлигидан фойдаланиб, вақтида билим олишга интилиш зарур.

2019-2020 ўқув йили битирувчилари ҳозирдан қаерда ўқишларини танлаб олсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Серпін – 2050” давлат дастури – муносиб таълим ва маблағни тежаш учун ажойиб имконият.

**Хуршид ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.**




**Вилоятимизда чўмилиш мавсуми бошлангандан буён 16 киши сувга чўкиб кетди.**

101 хизмати

# МАҲОРАТ, ШИЖОАТ, ЖАСОРАТ

**2020 йилнинг 6 ойида ёнғинни ўчириш бўлими ходимлари жами 663 марта турли чақириқлар бўйича шаҳарга чиқишган. Жумладан, авария қутқариш хизмати эҳтиёжи учун 22 марта чиқиб, 6 кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Умуман, ёнғин чоғида жами 54 миллион 600 минг тенгелик моддий мулк сақлаб қолинди.**



Таъкидлаш жоиз, аввалгидан фарқли равишда ўтган вақт мобайнида аҳоли томонидан ўт ўчирувчиларни ёлғондан чақириш ҳоллари рўй бермади. Бу эса аҳолининг маданият савияси ҳамда масъулияти ўсаётганлигидан ҳамда ОАВ орқали аҳолига огоҳлантиришларимиз самарасидир. Ўт ўчирувчиларимизнинг самарали меҳнати ва саъй-ҳаракатлари билан барча ёнғинлар ўз вақтида ўчирилиб, авж олишига йўл қўйилмади. Ҳурматли шаҳарликлар! Сизлардан уйда ва жамоат жойларида оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларингизни сўраймиз. Барча саволлар юзасидан, ёки ёнғин рўй берган тақдирда 101, ҳамда 8 (725-33) 4 - 24 - 01 рақамли телефонларга мурожаат қилинг.

**Д. ТАНИРБЕРГЕНОВ,
Туркистон шаҳридаги
1-сонли ихтисослаштирилган
ўт ўчириш бўлими бошлиғи,
фуқаро мудофаа хизмати
подполковниги.**

# КИСЛОРОД – САЛОМАТЛИК УЧУН



Туркистон шаҳри Қизилўрда йўли, собиқ техоснастика корхонаси ҳудудида тажрибали мутахассис, меҳнат фахрийси Тўрахон Бобоев асос солган «ОКСИ-Т/Т» (инглиз тилидан таржимада кислород деганни англатади) кислород корхонасида бугунги кунда унинг ўғли Равшан Бобоев аҳил, меҳнатсевар жамоа билан бирга самарали фаолият юритмоқда. Жаҳонни оёққа тик турғазган пандемия туфайли ушбу корхона маҳсулоти ёз мавсумида Туркистондаги «Талғат» клиникаси, шаҳар касалхонаси ҳамда ХҚТУ қошидаги тиббиёт клиникасида пневмониядан даволанаётган минглаб беморлар учун сафарбар этилди. Эҳтиёж тўлиқ қопланди. Осон кечмаган, тинимсиз меҳнат ва сабр-тоқатни талаб қилган ушбу жараён ҳақида ўз соҳасининг устаси, пешқадам раҳбар Равшан Бобоев қуйидагиларни маълум қилди.

– Шаҳар ҳокимлиги тавсиясига кўра биз корхонамиздаги барча мавжуд баллонларни кислород билан тўлдириб, шаҳар касалхоналарига жўнатдик. Шаҳар ҳокими Рашид Аюповнинг ташкилотчилигида даволаш муассасаларини кислород билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш учун 100та кислород баллонларни туҳфа қилдик. 22 кун давомида жамоамиз кунни тунга улаб, шаҳар аҳолисини пневмония панжаларидан халос қилиш учун кислород баллонларини касалхоналарга етарли миқдорда етказиб бериб турди. Қарағанди вилоятидан олиб келинадиган суюқ кислород корхонамизда қайта ишланиб, ҳавога айлантирилиб, баллонларга тўлғазилади. Битта сменада юздан зиёд баллон етказиб бериб турдик. Ўрта ҳисобда битта баллон 8 соат давомида беморни кислород билан муттасил таъминлашга етади. Жамоамиздаги Ҳабибулла Анғарбаев, Арслон Бобоев, Азамат Бобоев, Баҳром Рашидов, Ислом Тўрахонов, Баҳодир Бобоев, Ботир Болтабоевлар фидокорона меҳнат қилиб, олқишга сазовор бўлдилар. Шаҳар маслаҳатининг депутати Сакен Хандиллаев доимо биз билан алоқада бўлиб, зарур масалаларни ҳал қилишда камарбаста бўлди. Айни пайтда вазият барқарорлашди. Беморлар оқими камайди, демакки, илгаригидек катта эҳтиёж йўқ, – дейди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**P.S:**

Пандемияга қарши курашда шифокорлар ва яна кўплаб касб соҳиблари билан биргаликда биз юқорида таништирган «ОКСИ-Т/Т» кислород қуйиш корхонаси ходимлари ҳам бир сафда туриб меҳнат қилишди. Ўпкаси фақат кислороддан нажот кутган беморлар бу неъматнинг қадрига етишади. Жамоага омад, саодат тилаб, минглаб беморлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

**Суратда:** корхона раҳбари Равшан Тўрахон ўғли Бобоев.

**Муаллиф тасвири.**

Эзгулик ёзар қанот

# «Улес»дан – учта уй...

**Раимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган «Улес» хайрия ижтимоий жамғармаси Қурбон ҳайити байрами арафасида шаҳардаги учта кам таъминланган оилага янгидан бунёд этилган уч хонали учта уй калити тақдим этилди.**



– Биз ушбу уйларни муҳтож оилаларга тақдим этар эканмиз, шу савоби мўл ишга муносиб ҳиссасини қўшган барча туркистонликларга, тадбиркорларга, ҳимматли инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Саховат, муҳтожларга мадад, бошпанаси йўқларга бошпана беришдек хайрли фаолиятимиз мана шу мард инсонлар мурувввати ила амалга ошмоқда. Уларга соғлик, саломатлик тилаймиз, доим мана шундай умумхалқ байрамларида холис ниятларимизнинг амалдаги ижобатини кўриш насиб этсин, – дейди Раимжон Қўчқоров.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

# САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЗГУЛИК

**Мақтааралда 20та уйнинг қурилиши тадбиркор, меценат Бўлат Назарбаев ташкил этган “Салиқалы аулет” ижтимоий жамғармаси маблағи ҳисобидан барпо этилмоқда.**

4 хонали уйларнинг жами майдони 100 квадрат метр, намунавий лойиҳа асосида қурилмоқда. 20та уйнинг қурилиш ишларига меценат Бўлат Назарбаев 200 млн. тенгега яқин маблағ ажратди.

Таъкидлаш жоиз, “Салиқалы аулет” ижтимоий жамғармаси фаолиятини 2016 йилнинг апрель ойида бошлади. Жамғарма ўтган тўрт йил мобайнида кам таъминланган оилалар ва етим болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш, даволанишга муҳтож одамларга ёрдам бериш, олий ўқув юртларида ўқиётган истеъдодли ёшларга таълим ҳақини тўлаш, давлат тили, миллий анъаналарни ривожлантириш, масжид қурилиши ҳамда турли спорт тадбирларини ўтказишга маблағ ажратди.

**“Жанубий Қозоғистон” мухбири.**

# МӘМС жүйесі – тиімді жол

**2020 жылдың 1 қаңтарынан бастап елімізде міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру жүйесі енгізілді. Тұрғындар екі түрлі медициналық пакет бойынша көмек алуда: кепілдендірілген медициналық көмек және міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру жүйесі арқылы.**

Бұл жүйені енгізу барысында түрлі мәселелер орын алған еді. Мысалы, еліміздегі 2 миллион адам мәртебесі анықталған тұлғалар қатарына жатады. Олар мемлекетке ешқандай салық төлемеген кәсіп иелері. 2020 жылдың 1 қаңтарынан бастап осы жүйені енгізу түбегейлі шешілді. Қазіргі танда мемлекет медициналық сақтандырылған немесе сақтандырылмаған барлық тұлғаларға бекітілген тізім бойынша тегін медициналық көмек көрсете алады. Ол – өзімізге белгілі жедел жәрдем көмегі. Емханалардағы алғашқы медициналық көмек. Жалпы, елімізде өмір сүретін азаматтарға Үкіметтің бекіткен тізімі бойынша тегін медициналық көмек көрсетіледі.

2020 жылдан бастап енгізілетін жүйе мемлекет және жұмыс беруші тарапынан үш жақты жауапкершілікті анықтап, әр адам өз денсаулығына жауапты қарайтындығының кепілі бола алады. Сондықтан жұмыс істейтін әрбір адам, жұмыс берушінің есебінен белгілі бір пайызға дейін міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыруға төлем жасайды. Бұл жүйеде құрылған арнайы қор бар. Бірақ МӘМС жүйесінде сақтандырылмаса, бұл санаттағылар толыққанды медициналық көмек ала алмайды. Ал толық көлемдегі медициналық көмек дегеніміз – жоспарлы түрде емдеу. Мысалы, оңалту, сауықтыру орталықтарындағы көмекті ала алмайды. Неге десеңіз, олар сақтандырылмаған азаматтар санатына жатады.

Өзін-өзі жұмыспен қамтыған адамдар болса, олар ерікті түрде жарна төлегені жөн. Өзін-өзі жұмыспен қамтығандардың жарнасы туралы жоғарыда айтып өттім. Бұл жерде жұмыспен қамтылғандар ұтады. Өйткені өзін-өзі жұмыспен қамтығандар зейнетақы қорына табыс салығын төлемей, тек міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру жүйесіне ғана төлем жасайды. Яғни жұмыс беруші жұмыскерінің денсаулығына да жауап береді деген сөз. Оған қосымша мемлекет тағы да төлем аударады. Бұл жерде әркім өз денсаулығына көңіл бөледі, мемлекет тарапынан да жан-жақты қолдау жасалады деген сөз. Мемлекеттің берер көмегі – қордағы қаржы толықтай сақталады, оған қосымша жұмыс беруші аударады. Ол әрбір жұмыс істейтін адам алатын жалақы мөлшеріне байланысты болады. Ал егер еш жерде тіркеуде жоқ, бірақ жұмыспен өзін-өзі қамтыған азаматтар пайыз емес, мүмкіндігіне қарай белгілі бір көлемде қаржыны аударады.

Дәрігерлер сауда орталықтары мен базарларда, адам көп шоғырланған жерлерге барып, ақпараттық түсіндіру жұмыстарын жүргізіп, арнайы акциялар ұйымдастырды. Міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру жүйесін түсіндіру жұмыстары жыл соңына дейін жалғасады.

**Дилбар МИРЯҚИБОВА,
№ 12 Шимкент қалалық
емханасының “Испиджаб”
бөлімшесі педиатр-дәрігеірі.**

● Ажабо!

# МУШУКДАН ҲАМ ДАҲШАТЛИРОҚ...

**Одатда сичқонлар учун мушукдан қўрқинчлироқ ҳеч нарса йўқ, деб саналади. Аслида эса, кемирувчиларни янада даҳшатга солувчи ўсимликлар бор экан.**

Бундай ўсимликлар ичида энг хавфлиси – доривор қораилдиз (чернокорень) бўлиб, халқ орасида «ит тили» деб атайдилар. Қораилдизларнинг чиндан ҳам ит тилига жуда ўхшаш барглари ҳатто дон ташувчи кемалар трюмларига тўшалади. Бевосита гувоҳларнинг айтишича, каламуш ва сичқонлар йўлига тўшалган ушбу ўтни босиб ўтгандан кўра, ўзларини сувга отишдан ҳам toймайди. Ўсимликдан таралувчи ўзига хос ҳид кемирувчиларга шу даражада салбий таъсир этади.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳокими девони вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Гулжан Қурманбековага падари бузруквори

**Мамит ҚУРМАНБЕКОВ-**

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

Кентов шаҳри Эски Иқон қишлоғидаги кўп соҳали коллеж жамоаси ўқув ишлаб чиқариш устаси Фазлиддин Муҳаммедовга куёв боласи

**Маҳмуджон МАЖИД ўғли-**

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

**Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!**

**“Визит” МЧБнинг ишлаб чиқариш цехи ва омбори ёниб кетди.**

# УЛУҒ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

## ТУРКИСТОНДА ХАЛҚ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ХИЁБОН БАРПО ЭТИЛМОҚДА

**Истиқлолнинг ҳар бир йили улуғ бунёдкорлик ишлари, мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксалиш довонлари билан мустақил Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Кундан кунга чирой очиб бораётган Туркистон ҳам тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб, замонавий шаҳарга айланмоқда. Мухташам иншоотлар, турар жойлар, ижтимоий иншоотлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.**



Ўтган йилнинг биринчи ярмида вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев Туркистоннинг марказий кўчаларида яқин келажакда 10та боғ ва хиёбон барпо этилишини маълум қилган эди. Улуғ ниятлар амалга ошиб, Ал-Форобий кўчасида хиёбон қурилиши бошланди. Бу ерда 7200 кв.м яшил майдонга дарахт ва гуллар ўтқазилади.

Шунингдек, ўйингоҳлар, тунги чироқлар ўрнатилади. Айни пайтда ҳудудда ободонлаштириш билан бир қаторда кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Хиёбон лойиҳасини ишлашда маҳаллий аҳоли ҳам иштирок этган. Фуқароларимиз ўзлари ҳордиқ минтақаларининг қулай бўлишига ҳисса қўшиб, “Халқ лойиҳаси”ни яратмоқда.

Яқин келажакда Н. Тўрекулов, Сирғақ ботир, Тауке хан, С. Сейфулин кўчаларида ҳам учрашувлар ўтказилиб, лойиҳа асосидаги қурилишлар бошланади.



## ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Вилоят марказига келган сайёҳлар ва шаҳар аҳолиси учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Turkistan bike” велосипедларни ижарага бериш бекатлари ишга туширилди. Шаҳарнинг бешта қисмига ўрнатилган велосипедларни махсус карта ёки ID-код ёрдамида ижарага олиш мумкин. Велосипедчилар фойдаланиш вақтига қараб турли нархларда ижарага олиш мумкин.**

Ижара ҳақи:
- 0-30 дақиқа – бепул;
- 31-60 дақиқа – 100 тенге;
- 61-120 дақиқа (2 соат) – 250 тенге;
- 121-180 дақиқа (3 соат) – 500 тенге;
- 181 дақиқадан бошлаб, кейинги ҳар бир соатда фойдаланиш 1000 тенгега тенг.

5та велотурарgoҳда 40та велосипед туркистонликлар ихтиёрида. Велобекатлар ва сотиш бўлими 3 августдан ишга туширилди.

Туркистондаги велосипед бекатлари Гуллар хиёбони, Н. Назарбаев хиёбони (эхром шаклидаги полиция пункти атрофи), мусиқий фаввора ёнида, Туркий боғ ва Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУ ёнида жойлашган.

## ҚИШ МАВСУМИГА ТАЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Вилоят раҳбари Ўмирзақ Шўкеевнинг топшириғига биноан, Туркистондаги экологик аҳволни яхшилаш мақсадида кичик туманлар ва аҳоли манзилларида жойлашган ижтимоий ва тадбиркорлик иншоотларини газлаштириш ишлари юритилмоқда. Таъкидлаш жоизки, вилоят марказини газлаштириш иши 11 босқичда амалга оширилмоқда. Йил сўнггигача шаҳарни зангори олов билан таъминлайдиган 7та иншоотни фойдаланишга бериш режаланмоқда. Ҳозирги кунда Туркистонда 7262 нафар абонент табиий газдан фойдаланмоқда.

Шунингдек, Туркистон шаҳрида қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бошланди. Бу ишларни иситиш мавсуми бошланганга қадар якунлаш режаланган. Натижали иш туфайли иситиш мавсумида 87та кўп қаватли уй, 60та тижоравий иншоот ва 28 бюджет муассасаси барқарор ва сифатли иссиқлик билан таъминланади.

## 20 АВГУСТГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

**Туркистонда 1 июндан 2020–2021 ўқув йили учун умумтаълим мактабларига 1-синф ўқувчиларининг қабул жараёни бошланди. Пандемия муносабати билан қабул жараёнида бир қанча ўзгаришлар бор.**

Ота-оналарнинг илтимосига биноан қабул муддати 20 августгача узайтирилди.

Таъкидлаш жоиз, боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома;

ўқувчининг манзили зарур ҳужжатлар рўйхатидан олиб ташланди.

Шунингдек, пандемия шароитида ота-оналарнинг мактабларда тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тажриба-синов тариқасида илк маротаба 1-синфга борадиган ўқувчиларнинг ҳужжат топшириш жараёни http://sakura.turkestan. e-orda.kz, http://egov.kz онлайн навбат асосида амалга оширилади.

Боланинг фотосурати ва туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ушбу электрон сайтлари орқали юборилади.

Бугунги кунга қадар 4300га яқин ариза қабул қилиниб, ҳужжат ва маълумотларни тўлиқ ва тўғри рўйхатдан ўтказган 3800 нафар бола таълим муассасаларининг 1-синфига қабул қилинди. Қолган 500таси эса кўриб чиқилмоқда.

Умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилиш билан боғлиқ саволлар, таклиф ва шикоятлар юзасидан шаҳар таълими бўлимига мурожаат этиш мумкин.

Аризани топшириш ва тўлдириш бўйича кўрсатмаларни юқоридаги сайтлардаги видеороликлардан кўриш мумкин.

**Ота-оналардан мактабларга ташриф давомида карантин қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда ижтимоий масофа сақлаш сўралади!**

**Майсара САФАРОВА.**

## Бир туман хабарлари

## АБАЙ ХИЁБОНИ ҚУРИЛМОҚДА



**Тўлебий тумани маркази Ленгер шаҳрида Абай хиёбони барпо этилмоқда. Бу ерда ҳомийлар ҳисобидан буюк мутафаккир-шоирга баландлиги 2 метр ҳайкал ҳам ўрнатилади.**

Янги мўъжаз хиёбон Айтеке бий кўчасида қад ростламоқда. Бу иш пудратчи ташкилот – «Шуғыла-2002» МЧБ қурувчиларига топширилган.

Хиёбонда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилади.

Бу ерда микроиқлим яратиш ва мўътадил ҳавони таъминлаш мақсадида фаввора ўрнатилмоқда. Унинг атрофини ободонлаштириш мақсадида турфа гуллар экилди. Бундан ташқари бу ерда музқаймоқ ва салқин ичимликлардан сотиладиган жой ҳам барпо этилмоқда. Хиёбонга сайрга келганлар фаввора атрофида ўтириб мусиқа тинглаш билан бирга музқаймоқ ва салқин ичимликлардан ҳам баҳраманд бўлишади.

Таъкидлаш кераки, хиёбонда қурилиш ишлари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

## МАЪНАВИЯТ МУАММОЛАРИ БУЮК АБАЙ ТАЛҚИНИДА

**Тўлебий туман марказлаштирилган кутубхонасида Абайнинг «Насиҳатлар»ига бағишланган “Маънавият муаммолари буюк Абай талқинида” китоб ойлигининг очилиш маросими ижтимоий тармоқлар ёрдамида уюштирилди.**

– Бугунги кундаги жамиятимиз мушкул муаммоларининг ечимини Иброҳим – Абай Қўнанбаев ижодидан топасиз. Ўз халқининг биринчи файласуфи ва адабиётни замонавийлаштириш истагидаги ислоҳотчи эди, – деди тадбирни очган кутубхона директори, туман славян этномаданият бирлашмаси раиси Светлана Шишкина. – «Рус тилини ўқиш ва ёзишни ўрганиш керак. Рус тили руҳий бойлик ва билимнинг, санъат ва бошқа кўп хазиналарнинг калити ҳисобланади», деб ёзган эди «Насиҳатлар»ида Абай. «Улар эришган ютуқларни ўзлаштирамиз, десак, уларнинг тили ва илм-фанини ўрганмоғимиз даркор. Чет тилларни ва жаҳон маданиятини ўзлаштириб, руслар шу даражага етганлар».

Тадбирда сўзга чиққан туман “Ёшлар имконият маркази” аъзолари ҳам асар ҳақидаги фикрларини ўртоқлашиб, “Насиҳатлар”ни ифодали ўқиб, шеърларига басталанган қўшиқларни ижро этишди.

## БОЛАЛАРГА ТУҲФА



**Тўлебий туманида 5та ўйин майдони очилди**

Ленгер шаҳрида ободончилик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шу мақсадда Тўлебий, А. Бектаев, Дўстиқ кўчалари ва Самал ҳамда 3-мавзеларда болалар ўйин майдончалари фойдаланишга берилди. Йил сўнггигача яна иккита ўйин майдончаси болаларга туҳфа қилинади.

**«Жанубий Қозоғистон» мухбири.**

**Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосари: **Муроджон АБУБАКИРОВ.**

Масъул котиб – **Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул шахслар:

*Туркистон, Кентов* — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
*Тўлебий* — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
*Қазиғурт* — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
*Сайрам* — **Мухтабар УСМОНОВА.** +7-707-257-97-36.
*Тулкибош* — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.
*Обуна, реклама ва эълонлар* — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

- Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
- Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
*Электрон почта: janubiy@inbox.ru*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 10968 нусха.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 2045.

**Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**